

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНING А Ж Р И М И

2025 йил март ойининг 27 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Мирзохидов, ҳайъат судьялари Н.Касимова ва А.Абдулхаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Қ.Маҳкамхўжаевнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Шомирзаев, маҳкум Ф.И.Онинг ҳимоячиси адвокат Б.Файзиевнинг иштирокида, Ф.И.Ога оид 1-1011-23/190-сонли жиноят ишини маҳкум Ф.И.О томонидан келтирилган шикоят асосида тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2023 йил 5 майдаги ҳукмига кўра;

1995 йил 29 май куни Жиззах вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани, Куёвбоши маҳалласи, Обихаёт кўчаси 44-уйда яшовчи, жиноят иши юзасидан 2022 йил 7 мартдан сиртдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 24 декабрь куни ушланган Ф.И.О - (Ф.И.О) га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми, 155³-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми ва 155²-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, унга ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 155³-моддаси 1-қисми билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 155²-моддаси 1-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, узил-кесил 12 (ўн икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 8 июндаги ажрими билан судининг 2023 йил 5 майдаги Ф.И.Ога оид ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.



Маҳкум Ф.И.О шикоятда, суд қарорларидан норозилиги, у фақат “Меҳр” дастури билан Сурияда қийналаётган ўзбек аёллари учун кўпчилик қатори у ҳам ёрдам тариқасида пул ўтказганлиги, унинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155³-моддаси 1-қисми ва 244²-моддаси 1-қисмини олиб ташлаш лозимлиги ҳақида важлар келтириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраган.

Тафтиш инстанцияси иш бўйича судья М.Мирзохидовнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Ш.Шомирзаевнинг тафтиш тартибидаги шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум Ф.И.Онинг ҳимоячиси адвокат Б.Файзиёвнинг тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантиришни сўраб берган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция ва апелляция инстанция судлари томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантилган.

Судлов ҳайъати, маҳкум Ф.И.Онинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155³-моддаси 1-қисми ва 244²-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари йўқлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важларни унинг дастлабки тергов ва биринчи босқич судида ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг экспертиза хулосалари, суд-техник экспертиза хулосаси билан тўлиқ рад қилиб, унинг ушбу важларни судни чалғитиш ва енгилроқ жазо олиш мақсадида берган деб баҳолайди ва унинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, билдирги, тушунтириш хатлари, телефон аппаратини кўздан кечириш баённомаси, фотожадвал, тезкор-қидирув тадбири ҳақида баённомаси, маълумотномалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2021 йил 28 апрелдаги ИА-047 ва IS-169-сонли экспертиза хулосалари, шахсни фотосурат бўйича таниб олиш баённомаси ва фотожадваллар, нарсани олиш баённомаси, фотосурат бўйича таниб олиш баённомаси, гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Маҳкум Ф.И.Онинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244²-моддаси 1-қисми, 155³-моддаси 1-қисми, 228-моддаси 3-қисми ва 155²-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Биринчи босқич суди Ф.И.Ога нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8,54-моддаларида назарда тутилган жазонинг адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисидаги қонун талаби, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорларида назарда тутилган тушунтиришларини, шунингдек, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, бўйдоқлигини ва муқаддам судланмаганини инобатга олиб, у айбли деб топилган моддалар санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Тафтиш инстанция суди, маҳкум Ф.И.Ога нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, Ф.И.Ога нисбатан тайинланган жазони янада енгиллаштириш учун айбини жиддий камайтирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деган хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўлламасликни ва суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2023 йил 5 майдаги ҳукмини Ф.И.Ога оид қисми ва Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 8 июндаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

М.Мирзохидов

Ҳайъат судьялари:

Н.Касимова

А.Абдулхаев

